



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ - ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ ЛОЙИҲАЛАРИДА РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ

PhD, доц. Омонов Шермухаммад

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0002-2369-2356

sh.b.omonov@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида давлат- хусусий шериклиги лойиҳаларида рискларни баҳолашда мамлакатимиздаги иқтисодий жараёнларнинг трансформациялашиши шароитида турли соҳа ва тармоқ корхоналари ва ташкилотларида ҳамкорлик, ўзаро тенглик ҳамда рискларни тақсимлаш тамойилига асосланган иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, давлат-хусусий шериклик, иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ўсиш, хизмат, лойиҳа, риск.

ОЦЕНКА РИСКОВ ПРОЕКТОВ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СФЕРЕ ОКАЗАНИЯ УСЛУГ

PhD, доц. Омонов Шермухаммад

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы укрепления экономических отношений, основанных на принципе кооперации, взаимного равенства и распределения рисков на предприятиях и в организациях различных отраслей и секторов в условиях трансформации экономических процессов в нашей стране при оценке рисков в проектах государственно-частного партнерства в сфере услуг.

Ключевые слова: сфера услуг, государственно-частное партнерство, экономическое развитие, экономический рост, услуга, проект, риск.

RISK ASSESSMENT OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP PROJECTS IN THE SPHERE OF SERVICE PROVISION

PhD, assoc. prof. Omonov Shermukhammad

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. The article examines the issues of strengthening economic relations based on the principle of cooperation, mutual equality and risk sharing in enterprises and organizations of various industries and sectors in the context of the transformation of economic processes in our country when assessing risks in public-private partnership projects in the service sector.

Keywords: service sector, public-private partnership, economic development, economic growth, service, project, risk.

Кириш.

Жаҳонда хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантиришда орқали хизмат кўрсатиш соҳасида давлат- хусусий шериклиги лойиҳаларида рискларни баҳолашнинг илмий асосларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жаҳон мамлакатлари миллий иқтисодиётлари таркибининг ўзгариши, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаларининг устувор аҳамият касб этиши ҳамда хўжалик фаолиятининг ижтимоийлашув жараёнларининг жадаллашуви замонавий корхоналар рақобатбардошлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди. Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш корхоналари кўпчилик мамлакатларда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда муҳим рол ўйнайди.

Адабиётлар шарҳи.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларида рискларни баҳолашнинг моҳияти, типлари, таснифланиши ва назарий концептуал асослари ҳамда уни ривожлантириш масалаларини ўз ишларида тадқиқ этганлар.

Котлер (1991) хизматни бир томоннинг бошқасига тақдим этиши мумкин бўлган ва асосан номоддий кўринишда бўлган ҳар қандай тадбирлар ёки фойда сифатида тушунтиради.

Хизматлар иқтисодий фаолият сифатида таърифланиши мумкин. Хизмат бу ҳатти-ҳаракатлар, ишлар ёки ишларни бажариш бўлиб, улар номоддийдир. Хизмат – бу турли тақдим этадиган номоддий активлари ёрдамида шахсий ҳаётимизнинг қийматини оширадиган корхоналарнинг маҳсулотидир (Хаксевер и др., 2002).

Яковлев (1990) томонидан берилган «хизмат» тушунчасига оид яна бир қизиқарли фикрни келтириб ўтамиз, унга кўра, у ушбу тушунчанинг икки томонининг диалектик бирлигини таъкидлайди: хизматлар меҳнат жараёни сифатида, меҳнат шаклларида бири сифатида (бу борада бу истеъмол қиймати эмас) ва аниқ меҳнат натижаси сифатидаги хизматлар, унинг самарали натижаси, бунда эса у истеъмол қийматига эга.

Мухамедовнинг (2017) фикрича, «Хизмат» тушунчасининг мантикий мазмун-моҳияти шундаки, у инсон фаолияти маҳсули сифатида меҳнатнинг бошқа турларидан ўзида алоҳида бир муҳим хусусиятни мужассамлаштирганлиги билан ажралиб туради. Хизматлар – кишилар ўртасидаги бевосита, тўғридан-тўғри, яъни моддий шаклдаги воситаларсиз ўзаро фаолият – неъмат, ишлаб чиқариш, истеъмол муносабатларини ифодалайди.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидадан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, статистик маълумотлар асосида уларни таҳлиллари амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда иқтисодий жараёнларнинг трансформациялашиши шароитида турли соҳа ва тармоқ корхоналари ва ташкилотларида ҳамкорлик, ўзаро тенглик ҳамда рискларни тақсимлаш тамойилига асосланган иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши ДХШни кенгайтиришга йўналтирилган бўлиб, бунда ДХШ лойиҳалари самарадорлигини оширишда рискларни камайтириш асосий омил сифатида муҳим ўринга эгадир. Бу эса мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШ механизмини жорий қилиш ва ривожлантиришда рискларни тақсимлаш ва бошқариш жараёнида давлат ва хусусий секторнинг масъулиятини ошириш устувор вазифалардан бири бўлиб, уни баҳолашни тадқиқ қилиш рискни камайтириш имконини беради.

ДХШ лойиҳалари самарадорлиги кўп жиҳатдан рискларни бошқариш сифати ва уларни тақсимлаш билан белгиланади. Риск иқтисодий фаолият жараёнидаги шарт-шароитларнинг тасодифий ўзгариши ва ноқулай шароитлар туфайли кутилаётган фойда, даромад, мулк ёки маблағларнинг кутилмаган йўқотиш rischi сифатида намоён бўлади.

ДХШ лойиҳалари рискларини бошқаришнинг муваффақиятсизлик ҳолати билан боғлиқ мисолларнинг мавжудлиги уларни бошқариш жараёнида қабул қилинган бошқарув қарорларини илмий асослаш зарурлигини исботлайди. Рискларни бошқариш масалалари ҳозирда жуда долзарб бўлиб, бу маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан ушбу масала бўйича кўплаб ишланмалар билан тасдиқланади.

Аксарият олимлар, хусусан, Балабанов И.Т., Грапатуров В.М., Козлов Н.В., Сидоров М.А. рискларни бошқариш жараёнида иккита мажбурий жараён бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар - рискни таҳлил қилиш ва рискни бартараф етиш ва минималлаштириш чораларини ишлаб чиқиш. Шунингдек, уларнинг фикрига кўра, ҳар бир босқич бир неча кичик босқичлардан иборат (масалан, риск таҳлили сифат ва миқдорий таҳлилдан иборат¹).

ДХШ лойиҳасининг рискларни бошқариш жараёни қуйидаги босқичлар кетма-кетлигидир:

1. Рискларни аниқлаш.

2. Рискларни баҳолаш.

3. Рискларни тақсимлаш. ДХШ лойиҳаси доирасида келишувлар натижасида аниқ рискни камайтиришни энг оптимал вариантда ҳал этиш мумкин бўлган субъект танланади.

4. Рискларни минималлаштириш, яъни бартараф қилишга йўналтирилган чоратadbирларни ишлаб чиқиш.

Биринчи босқичда, ДХШ лойиҳасининг барча мумкин бўлган рискларини таснифлаш керак.

Ҳар қандай лойиҳа учун потенциал рисклар рўйхати иқтисодий, техник, ижтимоий, экологик ва бошқаларни қамраб олади.

Замонавий маҳаллий ва хорижий олимларнинг тадқиқотларини ўрганиш натижасида ДХШ лойиҳаларининг барча рискларини қуйидаги турларга бўлиш мумкинлиги аниқланди:

1. Тизимли ва ўзига хос рисклар.

Тизимли риск – бу бутун бозорга таъсир этувчи банк, молия тизими ва мамлакат иқтисодиётидаги глобал салбий ўзгаришлар рискдир. Тизимли риск активлар қийматининг пасайиши, контрагентларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ва тўлов тизимларининг ишлашидаги узилишлар натижасида юзага келадиган катта йўқотишларни англатади. Тизимли инқироз шароитида барқарор вазиятда мустақил равишда ҳар хил турдаги рисклар сезиларли боғлиқликни кўрсатади.

Хусусий риск (тизимли бўлмаган ёки диверсификацияланган) фақат маълум бир компания ёки лойиҳага тегишли бўлган ҳодисалар, масалан, бошқарув хатолари, янги шартномалар тузиш, ўзаро бирикиш, сотиб олиш кабилар натижасида юзага келади.

2. Иқтисодий, техник ва технологик, сиёсий ва бошқалар.

– иқтисодий рисклар (валюта, молиявий, тижорат, инвестицион): миллий валюта курсининг ўзгариши, солиқ ставкаларининг ўзгариши rischi, тўловларнинг камайиши, инфляциянинг ўсиши, ликвидликни йўқотиш rischi, кредит rischi ва бошқалар;

– техник ва технологик: лойиҳалаштиришдаги хатолар, эксплуатация самарадорлигининг паслиги;

– сиёсий: сиёсий йўналишни ўзгартириш, ҳарбий зиддиятлар;

¹ www.bupr.ru

- ижтимоий: ишсизлик, ижтимоий тартибсизликлар, иш ташлашлар;
- тартибга солувчи: қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, концессионер фаолиятини тартибга солиш қоидаларига ўзгартиришлар;
- иштирокчиларнинг обрўси, имижи билан боғлиқ: шериклик иштирокчиларини ўз обрўсини йўқотиш, ДХШ лойиҳасининг муносиб имижининг йўқлиги;
- форс-мажор ҳолатлари.

1-жадвал

ДХШ лойиҳаларида иштирокчиси сифатида бизнесдаги асосий рисклар

Рисклар	Пайдо бўлиш эҳтимоли, %
Лойиҳани реализация қилишда давлат органларининг реал ҳолатда масъулиятининг мавжуд эмаслиги	45,0
Давлат томонидан лойиҳани тасдиқлашнинг узоқ вақт давом этиши	40,0
ДХШ соҳасида вазирликлар ва идоралар ўртасида ягона дастурнинг йўқлиги, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва томонлар манфаатларидаги тафовутлар	38,0
Бюджет харажатларининг устувор йўналишлари ўзгарган тақдирда лойиҳани молиялаштиришни қисқартириш ёки тугатиш rischi	27,0
Тадбиркорлик ва давлат органлари ўртасида ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқаришда тажриба ва малакали мутахассисларнинг етишмаслиги	25,0
Давлат органлари билан зиддиятли вазиятларни/низоларни ҳал қилишдаги қийинчиликлар	22,0
Турли даражалардаги ҳокимият органларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари	20,0
Ҳукумат томонидан шартнома шартларининг етарли даражада бажарилмаслиги	18,0
Лойиҳадан чиқиш ва киритилган инвестицияларни қайтаришдаги қийинчиликлар	13,0
Лойиҳани амалга ошириш устидан давлат органлари томонидан ҳаддан ташқари назорат қилиш истагининг юқорилиги	8,0

Республикамізда ДХШнинг ривожланиш ҳолатини мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра, ДХШ лойиҳаларидаги рискларни шерик сифатида бизнес учун энг муҳим ҳисобланади (2-жадвал):

Одатда концессия шакли орқали ДХШни амалга оширишнинг мажбурий шарти суғурта ҳисобланади. Суғурта товонининг миқдори кўплаб омиллар, биринчи навбатда, риск даражалари билан белгиланади билан белгиланади. Хорижий манбаларнинг ҳисоб-китобларига кўра, транспорт инфратузилмаси соҳасидаги узоқ муддатли концессия лойиҳалари қуйидаги риск қийматлари билан тавсифланади (2-жадвал).

2-жадвал

Европада узоқ муддатли транспорт инфратузилмаси лойиҳалари учун риск қийматлари, % (Баглай, 2010)

Кўрсаткич	Минимал	Максимал
Риск ҳолати бўлмаган тақдирда суғурта мукофоти	6	6
Кредит тўлаш имкониятининг пасайиши билан боғлиқ рисклар	5	6
Сиёсий ва ҳуқуқий рисклар	1,5	1,5
Техник ва тижорат рисклари	1	2
Иқтисодий, валюта ва молиявий рисклар	2	4
Жами	15,5	19,5

Маълумки, ҳозирги вақтда ДХШ лойиҳаларида кенг тарқалган рисклардан бири кўчмас мулк билан боғлиқ риск ҳисобланади. “Кўчмас мулк rischi”ни пайдо бўлишининг натижаси аниқ – концессионер сайтга киришнинг кечикиши ва бошқа нарсалар қаторида ернинг бозор қийматининг ошиши туфайли ишни бошлай олмайди.

Бюджет инвестиция лойиҳалари учун лойиҳаларни молиялаштиришнинг етишмаслиги rischi мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида лойиҳа қийматининг ошиши ва лойиҳани яқунлашнинг кечикишига олиб келади.

ДХШ лойиҳалари рискларини аниқлаш босқичида кўплаб турли усуллардан фойдаланиш мумкин, хусусан:

1. Мавжуд маълумотларни таҳлил қилишга асосланган усуллар:

– бирламчи лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш (хусусан, ДХШ лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши);

– хусусий бизнес вакили – контрагентнинг ҳисоботларида мавжуд бўлган даврий маълумотларни таҳлил қилиш.

2. Янги маълумотларни йиғиш усуллари:

– стандартлаштирилган сўровнома;

– эксперт маслаҳатлари.

3. Лойиҳани амалга оширишни моделлаштириш усуллари.

4. Сифатли таҳлилнинг эвристик усуллари.

5. Эксперт баҳолаш усуллари.

ДХШ лойиҳалари учун рискларни бошқариш жараёнининг кейинги босқичи рискларни баҳолашдир. Riskни баҳолаш унинг миқдорий ўлчовини англатади. Riskларни ўрганиш методологиясини кўриб чиқиш нуқтаи назаридан ушбу босқич асосий ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ДХШ лойиҳалари рискларини бошқариш жараёнида уларни аниқлаш ва баҳолаш босқичларида нафақат риск турларини, балки уларнинг пайдо бўлиш вақтини, яъни лойиҳани амалга ошириш босқичини ҳам аниқ белгилаш керак.

Бизнинг фикримизча, қуйидагилар лойиҳани реализация қилиш босқичлари ҳисобланади:

а) лойиҳани ишлаб чиқиш / лойиҳалаш босқичи;

б) лойиҳани амалга ошириш / қурилиш босқичи;

с) лойиҳани бевосита амалга ошириш / эксплуатация босқичи.

Қуйидаги усуллар гуруҳлари кўпинча рискларни миқдорий баҳолаш усуллари сифатида кўриб чиқилади²:

1. Аналитик усуллар:

– сезгирликни таҳлил қилиш;

– сценарий таҳлили.

2. Эҳтимолий-назарий усуллар:

– статистик усуллар;

– имитацион моделлаштириш (Монте-Карло симуляция усули, тарихий симуляция усули);

– дарахтни қуриш усуллари (ҳодисалар дарахти, хатолар дарахти, оқибат ҳодисалари);

– мантиқий-эҳтимоллик.

3. Миқдорий таҳлилнинг эвристик усуллари.

4. Ноанъанавий усуллар:

– сунъий интеллект тизимлари (нейрон тармоқлари);

– мантиқий ёндашувга асосланган моделлаштириш.

² www.bupr.ru

5. Худди идентификациялашда бўлгани каби, рискни баҳолашда кўпчилик тадқиқотчилар эксперт баҳолаш усулини танлашлари мумкин.

Рискларни баҳолаш муаммосига замонавий ёндашув турли хил, аммо бир-бирини тўлдирувчи ёндашувларни ўз ичига олади.

Хусусан, булар:

- риск қийматини баҳолаш усули – рискнинг статистик тавсифини таҳлил қилиш асосида VaR (Valuc-at-Risk);

- портфелнинг бозор параметрларини ўзгаришига сезгирлигини таҳлил қилиш усули – Stress or Sensitivity Testing.

Риск остида бўлган қийматни ёки “риск остидаги қиймат” деб аталадиган VaRни баҳолаш усули доирасида риск остида бўлган қиймат кўрсаткичи актив ёки активлар портфелининг маълум бир вақт оралиғида юзага келиши мумкин бўлган қийматини ўзгариши натижасида мумкин бўлган максимал йўқотишларни акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, Давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларида риск қийматини баҳолаш усули рискнинг статистик тавсифини таҳлил қилиш, рисклар қийматини баҳолаш босқичларини шакллантириш, бозор омилларини тақсимлаш ҳамда ишонч даражаси коэффицентларини аниқлаш асосида такомиллаштирилди.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Баглай В.В. (2010) *Обоснование региональных форм реализации проектов государственно-частного партнерства* // дисс. канн. экон. наук. – Тюмень, – С. 73.

Котлер Ф. (1991) *Основы маркетинга*. –М.: Прогресс, С. 638.

Мухаммедов М.М. ва бошқалар. (2017) *Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари (монография)*. – Самарқанд: Zarafshon, – 300 б., 46-б.

Хаксевер К., Рендер Б., Рассел Р., Мердик Р. (2002) *Управление и организация в сфере услуг, 2-е изд. / Пер. с англ. Под ред. В. В. Кулибановой*. - СПб: Питер, - 752 с : ил. - (Серия «Теория и практика менеджмента»).

Яковлев В.А. (1990) *Карьера менеджера: пер. с англ.* –М.: Прогресс, – С. 16.